

## Бола отасининг қўлини қайтармаслиги лозим

Image not found or type unknown



10:37 / 03.11.2024 1706

لَا أَقْبِ بَشْرًا وَحْدَهُ نَبِيٍّ مَّا أَوْعَدَ لَنَا  
دَلَّوْغًا فَرِيًّا أَلْ دِهَاجُ مِ يَلَّ لَاقِ  
عُنْصَيُّ هُوعَدَيُّ هُنَّ عِوِدِلْ أَوَدَيُّ  
بَعَّاشِ أَمَّ وَب

Аввом ибн Ҳавшадан ривоят қилинади:

**«Мужоҳид менга: «Бола ўзидан отасининг қўлини қайтармайди. Ота уни нима қилса, тек қўяди», деди».**

**Шарҳ:** Агар ота боласини уриб турган бўлса ҳам, фарзанд унинг қўлини қайтармайди. Балки тек қўяди, нимани хоҳласа, қилсин. Баъзи вақтларда ота-она қандайдир бир ҳолатга тушиб, қўл кўтарганда ҳам фарзанд индамай туриши, ота-онасининг қўлини қайтармаслиги, силтамаслиги, ўқрайиб қарамаслиги керак. Майли, ота-она нима қилса қилсин, фарзанд сабр қилса, савоб олади.

Албатта, отанинг вояга етган боласини уриши нодир ҳолат. Аммо мабодо шу иш содир бўлиб қолса, бола ўзидан отанинг қўлини қайтармаслиги керак бўлади.

***«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.